

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

566 **Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2627

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 ноябрь,
36-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 ноябрь,
18-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

А. ВАҲОБОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 ноябрь,
49-ққ-сон

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 ноябрь,
56-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг
2014 йил 4 ноябрдаги 36, 18, 49-ққ ва
56-сонли қарорига
ИЛОВА

**Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар
билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар
органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳамда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига:

хуқуқбузарликлар фактлари ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги хуқуқбузарликлар ҳақида;

таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва хуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

2. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига:

ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

2-боб. Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаш

3. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан мазкур Ўўриқноманинг 1-бандида келтирилган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида;

талаба-ўқувчи ва тарбияланувчиларга таълим бериш жараёнида тўпланган маълумотлар асосида;

талаба-ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолганлиги ҳақидаги хабар асосида;

талаба-ўқувчи ва тарбияланувчилар билан суҳбат ўтказиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўллар билан аниқланади.

4. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан мазкур Ўўриқноманинг 2-бандида келтирилган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида;

фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида;

муурожаат қилган бемор ёки беморни олиб келган шахс билан суҳбат ўтказиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўллар билан аниқланади.

3-боб. Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар юзасидан ички ишлар органларига хабар қилиш

5. Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ёки таълим муассасалари ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ёки соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан зудлик билан ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар қилиниши шарт.

6. Таълимни давлат томонидан бошқариш органи ёки таълим муассасаси ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни

сақлаш муассасаси масъул ходими ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар қилганда, ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси томонидан дарҳол хабарнинг рўйхатдан ўтказилиши таъминланади ва хабарномага ёзиб қўйиш учун хабар берган масъул шахсга хабарнинг рўйхатдан ўтказилган рақами берилади.

Бунда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги, соғлиқни сақлаш муассасалари мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарномани 24 соат ичида ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилишини таъминлаши шарт.

Хабарнома тегишли таълимни давлат томонидан бошқариш органи ёки таълим муассасаси ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг уни расмийлаштирган масъул ходими томонидан имзоланади ва тегишли ташкилотнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

7. Таълимни давлат томонидан бошқариш органи ёки таълим муассасаси ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни сақлаш муассасаси тегишли хабарномани ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказиб бериш учун уни ҳудудий милиция таянч пунктига тақдим этишга ҳақли.

8. Таълимни давлат томонидан бошқариш органи ёки таълим муассасаси ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни сақлаш муассасаси масъул шахси тақдим этган рўйхатдан ўтказилган рақами ёзилган хабарнома ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) томонидан қабул қилиб олинади ҳамда хабарноманинг қирқма қисми уни тақдим этган масъул шахсга ўша вақтнинг ўзида қайтариб берилади.

Ҳудудий милиция таянч пунктига келиб тушган хабарноманинг ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилиши ҳудудий милиция таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) томонидан таъминланиши лозим.

9. Таълим муассасалари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича тегишли маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича тегишли маълумотлар эса мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳуқуқбузарликлар фактларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига киритиб борилади.

Ушбу китоблар рақамланган, тикилган ва тегишли таълим муассасаси ёки соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан муҳрланган бўлиши шарт.

10. Соғлиқни сақлаш муассасалари беморнинг касаллик тарихига бемор, беморни олиб келган шахс (агар мавжуд бўлса) ҳамда юз берган воқеа ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўлиқ қайд этиши лозим.

4-боб. Яқуний қоидалар

11. Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китоблари, уларнинг юритилиши тугалланган кундан бошлаб, шунингдек хабарномаларнинг қайтариб берилган қирқма қисмлари (алоҳида жилдда) 3 йил давомида тегишли таълим муассасаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасида сақланиши лозим.

12. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

(хабарноманинг қирқма қисми)

<p style="text-align: center;">_____ -сонли ХАБАРНОМА</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига ёзилган тартиб рақами кўйилади)</small></p> <p>20__ йил «__» _____ кунни соат ____ да</p> <p>_____ да,</p> <p style="text-align: center;"><small>(таълимни давлат томонидан бошқариш органи, таълим муассасаси ёки давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи номи)</small></p> <p>_____ ТОМОНИДАН</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликни аниқлаган шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(аниқланган хуқуқбузарлик факти ёки хуқуқбузарлик билан боғлиқ бошқа ҳолатнинг қисқача тавсифи ва кўрилган чора)</small></p> <p>Ушбу хабарнома 20__ йил «__» _____ кунни соат ____ да ички ишлар органи навбатчилик қисмида _____-сон билан рўйхатдан ўтказилди.</p> <p>Туман (шаҳар) ички ишлар органи навбатчилик қисмига / _____ милиция таянч пунктига 20__ йил «__» _____ кунни хабарнома тақдим этилди.</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(хабарномани тасдиқловчи масъул шахснинг Ф.И.О., лавозими)</small> _____ (имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____ .</p> <p style="text-align: right;">М.Ў.</p> <p>Хабарномани қабул қилдим:</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(худудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспекторининг (катта инспектори) унвони, Ф.И.О. ва лавозими)</small></p> <p>_____ (имзо)</p>	<p style="text-align: center;">_____ -сонли ХАБАРНОМА</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига ёзилган тартиб рақами кўйилади)</small></p> <p>20__ йил «__» _____ кунни соат ____ да</p> <p>_____ да,</p> <p style="text-align: center;"><small>(таълимни давлат томонидан бошқариш органи, таълим муассасаси ёки давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи номи)</small></p> <p>_____ ТОМОНИДАН</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликни аниқлаган шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(аниқланган хуқуқбузарлик факти ёки хуқуқбузарлик билан боғлиқ бошқа ҳолатнинг қисқача тавсифи ва кўрилган чора)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(хабарномани тасдиқловчи масъул шахснинг Ф.И.О., лавозими)</small> _____ (имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____ .</p> <p style="text-align: right;">М.Ў.</p>
---	--

Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

(хабарноманинг қирқма қисми)

<p style="text-align: center;">____-сонли ХАБАРНОМА</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига ёзилган тартиб рақами кўйилади)</small></p> <p>20__ йил «__» _____ куни соат ____ да фуқаро _____</p> <p style="text-align: center;"><small>(соғлиқни сақлаш муассасасига мурожаат қилган шахннинг Ф.И.О.)</small></p> <p>_____ га</p> <p style="text-align: center;"><small>(соғлиқни сақлаш муассасаси номи)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(муурожаат қилган шахннинг муурожаат этиш сабаби ёзилади)</small></p> <p>Ушбу шахсга _____</p> <p style="text-align: center;"><small>(кўйилган дастлабки ташхис)</small></p> <p style="text-align: center;"><small>(очилган касаллик тарихининг рақами)</small></p> <p>Ушбу хабарнома 20__ йил «__» _____ куни соат ____ да ички ишлар органи навбатчилик қисмида ____-сон билан рўйхатдан ўтказилди.</p> <p>Туман (шаҳар) ички ишлар органи навбатчилик қисмига / _____ милиция таянч пунктига 20__ йил «__» _____ куни хабарнома тақдим этилди.</p> <p>_____ (хабарномани тасдиқловчи масъул шахннинг Ф.И.О., лавозими) _____ (имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____ . М.Ў.</p> <p>Хабарномани қабул қилдим:</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(хулудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспекторининг (катта инспектори) унвони, Ф.И.О. ва лавозими)</small></p> <p>_____ (имзо)</p>	<p style="text-align: center;">____-сонли ХАБАРНОМА</p> <p style="text-align: center;"><small>(хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китобига ёзилган тартиб рақами кўйилади)</small></p> <p>20__ йил «__» _____ куни соат ____ да фуқаро _____</p> <p style="text-align: center;"><small>(соғлиқни сақлаш муассасасига мурожаат қилган шахннинг Ф.И.О.)</small></p> <p>_____ га</p> <p style="text-align: center;"><small>(соғлиқни сақлаш муассасаси номи)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(муурожаат қилган шахннинг муурожаат этиш сабаби ёзилади)</small></p> <p>Ушбу шахсга _____</p> <p style="text-align: center;"><small>(кўйилган дастлабки ташхис)</small></p> <p style="text-align: center;"><small>(очилган касаллик тарихининг рақами)</small></p> <p>_____ (беморни даволаш тартиби)</p> <p>Ушбу бемор, фуқаро _____</p> <p style="text-align: right;">_____ ТОМОНИДАН</p> <p style="text-align: center;"><small>(беморни олиб келган шахннинг Ф.И.О. (агар мавжуд бўлса)</small></p> <p style="text-align: center;"><small>(олиб келинган машина русуми, давлат рақами (агар мавжуд бўлса)</small></p> <p style="text-align: center;"><small>(хабарноманинг ички ишлар органи навбатчилик қисмида рўйхатдан ўтказилган рақами)</small></p> <p>_____ (хабарномани тасдиқловчи масъул шахннинг Ф.И.О., лавозими) _____ (имзо)</p> <p>20__ йил «__» _____ . М.Ў.</p>
---	---

Таълим муассасасида ҳуқуқбузарликлар фактларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш КИТОВИ

Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛДОВА

Юригилиши бошланди: 20__ йил «__» _____
Юригилиши тугалланди: 20__ йил «__» _____

(китобнинг биринчи қисми)

	Т/р	
1	Талабанинг (ўқувчи, тарбияланувчи) Ф.И.О., туғилган санаси	
2	Курси (синфи, гуруҳи)	
3	Яшаш манзили	
4	Ҳуқуқбузарликка ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга мойиллиги	
5	Содир этган ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракати	
6	Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этган шахс тўғрисида маълумот	
7	Ота-онаси ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахснинг Ф.И.О., яшаш манзили ва иш жойи	
8	Худудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар берилган сана ва вақт, хабар берган масъул шахснинг Ф.И.О.	
9	Хабарномани қабул қилган худудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспекторининг (катта инспектори) Ф.И.О.	
10	Хабарноманинг худудий ички ишлар органи навбатчилик қисмида рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами	

(китобнинг иккинчи қисми)

Т/р	Содир этилган ҳуқуқбузарлик факти (талаба, ўқувчи ёки тарбияланувчилар томонидан берилган хабарнинг қисқача тавсифи, хабар берилган сана ва вақт)	Ҳуқуқбузарлик факти содир этилган жой, сана ва вақт	Ҳуқуқбузарлик факти ҳақида хабар берган шахснинг Ф.И.О.	Худудий ички ишлар органи наватчилик қисмига телефон орқали хабар берилган сана ва вақт, хабар берган масъул шахснинг Ф.И.О.	Хабарномани қабул қилган худудий ички ишлар органи наватчилик қисми наватчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспекторининг (катта инспектори) Ф.И.О.	Хабарноманинг худудий ички ишлар органи наватчилик қисмида рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами
1	2	3	4	5	6	

Изоҳ: мазкур китоб икки қисмдан иборат бўлиб, китобнинг биринчи қисмига ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда қолган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган, шу каби хатти-ҳаракатларга жалб этилган талаба (ўқувчи, тарбияланувчи) ҳақидаги маълумотлар, китобнинг иккинчи қисмига содир этилган ҳуқуқбузарликлар фактлари, талаба, ўқувчи ёки тарбияланувчилар томонидан берилган инсон ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган, оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда
хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа
ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига
хабар қилиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
4-ИЛОВА

566-Молда

**Соғлиқни сақлаш муассасаларида хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан
боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш
КИТОБИ**

Юритилиш бошланди: 20__ йил «__» _____
Юритилиш тугалланди: 20__ йил «__» _____

Т/р	Мурожаат қилган (жароҳат олган) шахнинг Ф.И.О., яшаш манзили, телефон рақами	Мурожаат қилган (жароҳат олган) шахнинг муассасага келган (келтирилган) санаси ва вақти	Мурожаат қилган (жароҳат олган) шахсга қўйилган дастлабки ташхис	Юз берган воқеа ҳолати ва жойи ҳақида мурожаат қилган (жароҳат олган) шахнинг ёки уни олиб келган шахнинг сўзидан қисқача тавсиф
	1	2	3	4

Жадвалнинг давоми

Жароҳат олган шахсни олиб келган шахнинг Ф.И.О., яшаш манзили, телефон рақами, автомашинаси русуми, давлат белгиси ва рақами (агар мавжуд бўлса)	Мурожаат қилган (жароҳат олган) шахсга касаллик тарихи очилган сана ва унинг рақами	Худудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар берилган сана ва вақт, хабар берган масъул шахнинг Ф.И.О.	Хабарномани қабул қилган худудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) Ф.И.О.	Хабарноманинг худудий ички ишлар органи навбатчилик қисмида рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами
5	6	7	8	9

— 32 —

47 (651)-сон